

Таълим соҳасида халқаро ҳамкорлик одимлари: Малайзия Саинс Ислом университети



11:17 / 26.03.2019 2526

**Жорий йилнинг 15-22 март кунлари “GRAND TA’LIM”
нодавлат таълим муассасаси “Hilal Travel” туристик
ташкilotи билан ҳамкорликда Малайзия давлатига сафар
ташқил этилгани ҳақида баён қилгандик. “GRAND TA’LIM”
жамоаси илмий-амалий сафарни давом эттириб, 18 март,
душанба кунини Малайзия Саинс Ислом университети
(University Sains Islam Malayziya) - ташриф буюрди.**

Малайзия Саинс Ислом университети-(University Sains Islam Malayziya)да
жамоани университет ректори, дато профессор Мусо Аҳмад жаноблари
пешвоз чиқиб қаршилади.



Учрашув давомида мезбонларга **“GRAND TA’LIM”** НТМ фаолияти хусусидаги тақдимот ўтказилди. Шунингдек, Ўзбекистонимизнинг бой маънавий-маданий тарихи, ўтмиш буюк алломалари ва тарихий шаҳарлари ҳақида ҳам сўзлаб ўтилди. Ўз навбатида университет вакиллари ҳам Малайзия Саинс Ислон Университети ўқув жараёни, мавжуд факультетлар ва ўқув дастурлари ҳақида қисқача сўзлаб беришди.



Малайзия Саинс Ислом университети ҳақида қисқача:

Universiti Sains Islam Malaysia (USIM) - тўлалигича ҳукумат томонидан молиялаштириладиган, ривожланиб келаётган давлат ислом университетидир.

Университет ўз олдида диний фанлар бўйича глобал маълумотнома маркази бўлишни мақсад қилгандир. USIM- олий таълимнинг уникал, ўзига хос моделини тақдим этади. Университети бугунги кунда ижтимоий ва жисмоний фанларни исломий билимлар билан интеграциялаш- (ўзаро боғланган тарзда ривожлантириш формаси) натижасида тақдим этаётган дастурлари жорий глобал муаммоларни ҳар томонлама ўрганиб, тушуниш ва уларнинг ечимида альтернатив- муқобил таклифларни берувчи илғор университет сифатида ўзини намоён қилмоқда.

Университетда талабалар сони- 11 982 та.

Академик жамоа -ўқитувчилар сони- 571 та. Факультетлар- 9 та. Академик лойиҳалар- 72 та. Чет эллик талабалар- 656 та. Жами битирувчилар- 20027 та.



Мазмунли кечган учрашувда икки томонлама ҳамкорлик йўналишлари, “GRAND TA’LIM” ва Малайзия Саинс Ислом университети ўртасида ўқитувчиларнинг малака ошириши дастурини ишлаб чиқиш, университетнинг малакали устоз педагогларини Ўзбекистонга таълим беришга таклиф этиш каби масалалар муҳокама қилинди.

Шу куннинг ўзидаёқ университет ҳам ўзининг ижтимоий тармоқдаги саҳифасида Ўзбекистон “GRAND TA’LIM” билан ўтган учрашув хусусида катта фотогалерея жамланмасини жойлаштиргани қувонарлидир.

“GRAND TA’LIM”, 2019 йил.